



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

2016 й. " 28 " декабрь

№ 41/4

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ахволи тўғрисида

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сонли “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш амалга ошириб келинмоқда.

Марказий банк фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолашда ошкоралик, шаффофликни таъминлашга йўналтирилган механизмлар самарадорлиги, жамоатчиликни Марказий банк фаолияти тўғрисида хабардор қилишнинг тартиб-тамойиллари, қабул қилинаётган қарорлардан, айниқса фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг кенг фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий банк фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Марказий банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан Юридик бошқарма бошлиғи Б.Мергановнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий банк фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунида белгилаб берилган очиқлик принциплари ҳамда механизмлари асосида амалга оширилиши изчил давом эттирилсин.

3. Марказий банк Бошқаруви Раиси ўринбосари Ш.Ю. Хажимуратов ва Матбуот хизмати (А.Хайдаров) тегишли таркибий бўлинмалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан назоратни янада кучайтирсинлар.

4. Матбуот хизмати (А.Хайдаров) ҳамда Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаменти (И.Абдугафаров) Марказий банк фаолияти тўғрисидаги тегишли ахборотларни Марказий банк расмий веб-сайтига ўз вақтида киритилишини, шунингдек уларнинг белгиланган муддатларда янгилаб борилишини таъминласин.

5. Марказий банк Раиси ўринбосари Ш.Ю. Хажимуратов, Банкларнинг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти (А.Қосимов) ва Матбуот хизмати (А.Хайдаров) зиммаларига “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Марказий банк фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш мақсадида, Марказий банк Бошқарувининг очиқ мажлислари ўтказилишини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари С.С.Ходжаев зиммасига юклатилсин.